

# O'ZBEKISTON




## O'VOZI

IJTIMOYIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-MAY ■ SESHANBA ■ 58 (27.078) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

### Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 май куни Оқсаройда АҚШ молия вазирининг ўринбосари Жон Тейлорни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2002 йил мартда АҚШга расмий ташрифи ўзаро алоқаларга янги рух бахш этди. Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга биноан икки мамлакат яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган ойда Ўзбекистон делегацияси АҚШга бориб, яна қатор муокаралар ўтказди.

— ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтаётган йиллик мажлисида АҚШдан нуфузли делегация катнашмоқда, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Биз буни қадрлаймиз ва юртимизга ташрифингизни ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг яна бир

тасдиғи, деб ҳисоблаймиз. Ж.Тейлор самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий мулоқотлар изчил давом этаётгани, ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари юзасидан фикр алмашилиб, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, сармоя жалб қилиш, савдо-иқтисодий алоқаларга оид масалаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 май куни Оқсаройда Япония молия вазири Масадзюро Шикавани қабул қилди.

Ўзбекистон — Япония муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига

кўтарилган. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро алоқалар юксак даражада ривожланиётгани яна бир бор намоён бўлди.

Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг халқаро аксилтерорер коалициясига кўрсатаётган ёрдами юксак баҳолайди. Афғонистонни тиклаш операцияларида эса Япония томони Ўзбекистон инфратузилмаси ва захираларидан фойдаланиш истагини билдирган.

Иқтисодий алоқалар йилдан-йилга юксалмоқда. Ўзбекистонда қўллаб-сармоявий лойиҳалар ижроси учун Япониядан энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар келтирилмоқда. Мамлакатимизда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, 7 қўшма корхона ва тўла япон сармоясига қурилган учта

корхона ишлаб турибди. Тошкентда Япония халқаро тараққиёт агентлиги (JICA) ҳамда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхона очган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари мунтазам йиғилишлар ўтказиб туради.

Ўзбекистон ва Япониянинг ижтимоий-маданий ҳамкорлиги ҳам самарали кечмоқда.

Оқсаройдаги сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Суратларда: қабул пайти. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Грузияга ташриф буюради

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши давомида бўлиб ўтган икки томонлама учрашуви чоғида Ўзбекистон Президентининг Грузияга расмий ташрифини ташкил этишга келишилди.

Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали белгиланади.

«Жаҳон» АА

### Матбуот анжумани



ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Бобур Собиров). Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки президенти Жан Лемьер 5 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

ЕТБ президенти мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад — жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Марказий Осиёга қаратиш вазифаси тўла бажарилганини мамнуният билан таъкидлади.

— Тошкент анжуманида уч мингдан ортиқ ишбилармон, банкир, нодавлат ташкилотлар ва ҳукуматлар вакиллари иштирок этди, — деди



Ж.Лемьер. — Форумга беш давлат раҳбари ташриф буюргани эса унинг нуфузини яна-

да оширди. Жан Лемьер ЕТБнинг мазкур анжумани Тошкентда ўтказилишида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлади.

Тошкент форумида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёдаги жараёнлар, минтақа мамлакатларининг эришган ютуқлари ва мавжуд муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари борасида очик ва самарали мулоқотлар бўлди.

Матбуот анжуманида банк президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.



### Тошкент анжумани ниҳоясига етди

Тошкентда икки кун давом этган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII анжумани 5 май куни ўз ишини якунлади

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мазкур банк Бошқарувчилар кенгаши мажлисининг якуний сессияси бўлди.

Уни ЕТБ Бошқарувчилар кен-

гаши раиси, Буюк Британия халқаро тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним бошқарди.

Мажлисда сўзга чиққан аъзо давлатлар делегациялари вакиллари, ЕТБ дунёнинг йирик молия институтлари қатори Шарқий Европа, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ис-

лоҳотларни амалга ошириш, молия бозорини кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий сармояни қўллаб-қувватлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштиришда катта ўрин тутишини таъкидлади.

2-бет



**ҲАЁТ**

*Емон кўрсанг ҳам ё севсанг жондан,  
Барибир, маломат ёғар ҳар ёндан.  
Магар шундоқ экан, ширин сўзингни  
Аяма ҳеч кимдан, ҳеч бир инсондан.*

Абдулла ОРИПОВ  
2003 йил, 5 май

### ХДП ХАБАРИ

#### Вазифалар белгиланди


2003 йилнинг 5 май куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ХДП МК Биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Мажлисда ХДП бошланғич ташкилотларида партия Марказий Кенгаши V пленуми якуналарини муҳокама қилишни ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимидаги партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда, шунингдек, Марказий Кенгаш V пленуми ҳужжатлари моҳиятини барча партия ташкилотларига етказиш ва уларнинг ҳаётга татбиғи, бошланғич партия ташкилотларининг ўтган йилдаги фаолиятларини йиғи-


лишлардаги чуқур таҳлили, БПТнинг келгуси вазифаларини аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ХДП ташкилотлари фаолиятини ошириш бўйича тадбирлар белгилаб олинди. МКнинг жойларда ушбу ишларнинг бажарилишини ташкил қилишга оид тақлиф ва тавсиялари қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



### ЭЪТИРОФЛАР, ТАССУРОТЛАР ВА ИСТАКЛАР

#### Сир Дерек ТОМАС, «Rot Hachid — Bank» банкири



— Бизнинг банкимиз Ўзбекистон Миллий банки билан ҳамкорлик қила бошлаганига ўн йил бўлди. Шу боиски, Тошкентда хизмат вазифаси билан бир неча

бор бўлганман. Мамлакатинингнинг нафақат салохиятини, балки унинг бугунги кўркам жамолини, йирик-йирик банклар ва қўшма корхоналарини ўзга давлатлар билан солиштириб кўрсам, бекиёс ва жадал ривожланиш одимларини қалбдан ҳис қиламан. Айниқса, пойтахтингиз — Тошкент йил сайин кўрк очаяпти, десам муболага эмас. Банкимиз томонидан таъмир ишларига 36 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя ажратилган биргина Тошкент аэропортининг бугунги кўринишини собиқ совет даври манзараси билан бир тасаввур қилиб кўраверинг...

Ўтган кун ЕТБ президенти Жан Лемьер ҳам мамлакатингизда ўтказилган бизнес лойиҳа

қўриғида голиб чиққан «Нонаш» қандолатчилик корхонасида бўлиб, корхона раҳбарининг «инвестицион клим яшиланиб бормоқда» деган сўзларидан мамнун бўлиб қайтди. Демак, Ўзбекистонда молиявий, пул сиёсати тўғри йўлда турибди. Инфляция паст, мураккаб давр ортда қолган. Пахта, дон ва бошқа стратегик маҳсулотлар турларининг нархи бўйича ҳам мақбул қарорлар қабул қилинган...

Дунё банкирлари иқтисодий тараққиёт учун очкилик бўлиш тарафдори. Масалан, Буюк ипак йўли довуғи билан ифодаланган даврларда бу замин савдо ахли учун анча очик бўлган. Мен Марказий Осиё минтақаларининг барчасига ана шундай очик сармоявий иқлим тилаган бўлардим.

#### Кенжи НАКАЗАВА, ЕТБнинг Тошкентдаги бўлими бошлиғи:



олимпиада»си деб таъриф олган саммитида ҳам бу таъриф ўз тасдиғини топди.

ЕТБ Бошқарув кенгашининг йиллик йиғилиши том маънода юксак ташкилотчилик ва кўтаринки руҳ билан ўтди, дейишга тўла асос бор. Марказий Осиёда ташкил этилган халқаро молиявий муассасалар тадбирлари ичда энг йириги бўлган Тошкент саммити Ўзбекистонда макроиқтисодий ва тузилмавий ислохотларнинг бундан буён ҳам тобора олға силжиши йўлидаги сиёсий мулоқотларимиз давом этаверишини намоён қилди.

**Ҳа, Ватанимиз пойтахти — Тошкент сўнги бир ҳафта ичида халқаро миқёсда ҳам сиёсий, ҳам молиявий, ҳам иқтисодий мавзуда жуда катта, нуфузли йиғинга мезбонлик қилди. Меҳмонларимиз алоҳида таъкид билан эътироф этганларидек, ЕТБ Бошқарув кенгашининг йиллик йиғилиши муваффақиятли ва самарали ўтиши учун етарли шарт-шароитлар яратилди.**

**ЕТБ Тошкент анжумани шунинг кўрсатдики, азал-азалдан меҳмондўст ва меҳрибон халқимиз нафақат катта-катта тадбирлар, маросимлар, учрашувлар ва тўй-томошаларни балки, халқаро кўламадаги замонавий саммитларни ўтказишда ҳам етарли тажрибага эга.**

Интервьюларни «Ўзбекистон овози» мухбирлари Номоз САЪДУЛЛАЕВ ва Юнус БҲУРОНОВ тайёрлади

#### Лоренс ШЕРВИН, ЕТБ ички алоқалар бўлими бошлиғи:

— Йиғилиш сермазмун ўтди. 3 май куни «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салохияти» кўргазмасидан жуда бой таассуротлар олдим. Мамлакатингиз эришган ютуқлар намоёнлигини бундан ўн йил олдин бу ерга келган чоғимда кўрганларим билан солиштирдим. Мустақиллик йилларида нафақат иқтисодий соҳада, балки одамларингизнинг гап-сўзларида, кайфиятларида, фикр ва мулоҳазаларида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз берганлигининг



гувоҳиман. ЕТБнинг Бизнес-форуми очилишида ЕТБнинг Биринчи вице-президенти Норин Доил хоним таъкидлаганларидек, Тошкент анжумани халқаро иқтисодиётда Шарку Фарб, Ши-

молу Жануб молия тизими ривожига катта туртки бериши, шубҳасиз. Бу фикр «Сармоявий иқлим: сиёсат — сармоявий иқлим ўзгаришларини жадаллаштирувчи куч» мавзудаги семинарда алоҳида қайд қилинди.

Бугун бутун жаҳон кўриб турганидек, Ўзбекистон ўзининг минерал хомашё ресурслари, фойдали қазилмалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва машинасозлик ҳамда электротехника саноати сингари ўнлаб тармоқларнинг салохиятига кўра жуда катта мавқега эга. Уларни янада жадал ривожлантириш учун шаксиз, мамлакатингиз иқтисодиётига янги-янги сармоялар керак. Шу маънода, ЕТБнинг Бошқарувчилар кенгаши йиғилиши натижалари республикангиз халқ хўжалиги тараққиётига катта қишлоқ бериши турган гап.





# Тошкент анжумани ниҳоясига етди



(Давоми. Бош 1-бетда.)

Иштирокчилар ЕТБнинг XII саммити илк бор Осиёда, хусусан, Тошкентда ўтгани муҳим воқеа эканини қайд этди. Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон раҳбарияти бундай имкониятдан самарали фойдаланиш йўлида изчил ва дадил сиёсат юритмоқда. Жамиятнинг демократлаштириш, ислохотларнинг самарадорлигини ошириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. ЕТБнинг Ўзбекистонга кўрсатилган кўмагини барча аъзо давлатлар қўллаб-қувватлайди.

Дарҳақиқат, 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро ҳам-жамиятнинг Марказий Осиёга эътибори янада кучайди. На-тижада минтақа мамлакатлари сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнини жадаллаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни эркинлаштириш соҳа-сида дадил қадамлар ташла-моқда. Валюта бозори сези-ларли даражада эркинлашти-рилиб, қишлоқ хўжалик соҳа-сида давлат буюртмалари ти-зимини ислох қилишга кири-шилди. Бирок қўзланган мақ-сада эришиш учун ҳали амал-га оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. ЕТБ раҳ-барияти бу борда Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайти-ришга тайёр эканини маълум қилди.



Суратлари Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган.

# Бизнес-анжуман самарали ўтди

Тошкент. (ЎзА мухбири Ж. Раунов). 5 май кунини пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Европа Тиклашиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлиси доирасида ўтказилган икки кунлик Бизнес-анжуман якунланди. Иккинчи кунини «Сув: ҳаёт ва иқтисодий мавжудлиги манбаи», «Хуқуқий анжуман: кичик бизнесни рағбатлантириш» мавзуларида семинарлар бўлиб ўтди. Уларда дунёнинг йирик молиявий ташкилотлари раҳбарлари, ишбилармонлар, сармоядорлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЕТБ томонидан Ўзбекистон экологияси ва сув таъминоти масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1998 йилнинг декабрида Тошкент шаҳри санитария озодалиги тизими учун 19 миллион АҚШ доллари ажратилиши маъмул бўлган мажбурий ҳолатда Тошкент шаҳри санитария озодалиги тизими учун 19 миллион АҚШ доллари ажратган. Маблағ сув ва иссиқлик таъминоти асосий инфратузилмаси, санюат

суви таъминотини яхшилаш борасида биргаликдаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Банк ушбу режаларни амалга оширишда халқаро молия ташкилотлари ва дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни давом эттиради.

Люксембург ЕТБ Бошқарувчилар кенгашига 2003-2004 йилда раислик қиладиган бўлди. Германия ва Руминия раис ўринбосарлари этиб сайланди. Бошқарувчилар кенга-шининг навбатдаги йиғилиши Лондонда ўтказилиши маълум қилинди.

— Ушбу мажлисинг Тош-кентда ўтгани жуда тўғри иш бўлди, — деди ЕТБ президенти Жан Лемьер ўзининг якун-ловчи сўзида. — Анжуман кун-лари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Маж-лис ошқора ва очик тарзда ўт-ганидан мамнунмиз. У юксак са-вияда ташкил этилганини ало-ҳида таъкидлайман. Бунинг учун Президент Ислоҳ Каримовга, Ўзбекистон халқига, Тошкент шаҳри раҳбариятига миннатдор-лик билдирайми.

Мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон очик демократик жамият барпо қилиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохот-ларни дадил амалга ошириш-да ўзи танлаган йўлдан оғиш-май, изчил бораётганини яна бир бор намойиш қилди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири

Шу ўринда ўз кузатишларим ва хулосаларимга асосланиб бир фикрни айтмоқчиман. Қа-ерда инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари қадрланса, ариза ва шикоятларга жиддий, холис қаралса, ўша ерда норозилик кам бўлади, соғлом муҳит яра-тилади. Муҳити соғлом жойда ташаббус, бунёдкорлик ривож-ланади.

Бунинг исботини Сурхондарё вилоятида сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришлар мисоли-да ҳам кўриш мумкин. Биргина Термиз шаҳрида кейинги 2-3 йилда амалга оширилган бунёд-корлик ишлари аввалги 20-30 йилда бажарилган ишлардан ортиқроқ, десак муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

Бирок, афсуски, камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Исло-хотлар йўлига тўқсинлик қила-ётган иллатлардан бири — бу айрим мансабдор шахслар то-монидан давлат мулкни ўзлаш-тириш, мансаб ваколатини су-иستهъмол қилиш ҳоллари дур.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда қилинган қарори «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

Бирок, афсуски, камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Исло-хотлар йўлига тўқсинлик қила-ётган иллатлардан бири — бу айрим мансабдор шахслар то-монидан давлат мулкни ўзлаш-тириш, мансаб ваколатини су-иستهъмол қилиш ҳоллари дур.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда қилинган қарори «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

Қаердаки адолат мезонлари бузилар экан, ўша ерда эркин-лик ва ҳақиқат қадрига путур етади. Шу боис биз ўз фаолиятимизни Юртбошимиз томони-дан олиб борилаётган изчил си-ёсатни қўллаб-қувватлаш, қарор топтириш, қонун олдида барча бирдек масъул эканлигини амалда таъминлашдек улуғвор вазифаларни ўз фаолиятимиз-нинг асосий мезони қилиб қўйганмиз.

Шу ўринда Президентимиз томонидан айтилган жуда адо-латли бир фикрни ҳамisha ёдда тутмоғимиз зарур деб ўйлай-ман. Яъни прокуратура, суд идо-ралари жазоловчи орган эмас, балки аввало инсон ҳақ-ҳуқуқла-рини ҳимоя қилувчи ташкилот бўлиши керак. Биз бутун фа-олиятимизни ана шу тамойиллар асосида қуришга ҳаракат қила-ёламиз. Ўтган йил давомида фу-қароларимиздан тушган ариза ва шикоятларнинг тахлили шуни кўрсатдики, одамларнинг про-куратурага ишончи ортиб бора-япти.

Мен бунга юзлаб мисоллар келтиришим мумкин. Айтайлик, сизга алоҳида тўхталиб, ана шу соҳадаги жиддий камчиликлар, қўшиб ёзишлар, номигагина қуруқ расмиётчилик учун ўт-казилаётган тендер савдолари ва суиستهъмолчиликларнинг ол-дини олиш бўйича очик-ошқо-ра танқидий фикрларни бил-дирган эдилар.

Афсуски, бундай салбий ҳолатларга вилоятимизда ҳам йўл қўйилмоқда. Вилоят проку-ратураси 2002 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбеки-стон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ав-густдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни қуру-лаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъмин-лаш борасидаги ишларни тек-шириб чиқди.

Вилоятда капитал қурилиш ишлари амалга оширилишини таъминлашга масъул бўлган ви-лоят-капитал қурилиш бош бо-шқармасининг раҳбар ва масъ-ул ходимлари пудратчи қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, жуда кўп миқ-

объектдан 9 таси 2001 йил да-вомида фойдаланишга топши-рилган. Ушбу топширилган объектлардан танлов асосида Ангор тумани «Таллимарон» ширкат ҳўжалигида қуриб бит-казилган қишлоқ врачлик пунк-ти қурилишига кетган харажат-лар бўйича сарфланган мате-риаллар қайта ўлчаниб, ҳисо-бот билан таққосланганида 251-сонли хўжалиқлараро механи-зациялашган кўча акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи И.Хамраев ва бошқалар томонидан 488 минг 574 сўмлик қурилиш моллари талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Вилоят йўл-кўприк қурилиш акциядорлик жамиятида ўт-казилган текширишда ҳам жи-дий қонун бузилишига йўл қўйиб келинганлиги аниқланган.

Хусусан, Термиз шаҳрида жойлашган вилоят йўл-кўприк қурилиш акциядорлик жамияти-нинг қурилиш материаллари бўйича омбор мудир Ф.Холов

ЖКнинг бир қатор моддалари билан жиноят иши қўзғатилган эди.

2002 йилнинг март-апрель ойларида ўтказилган текшириш эса «Сурхондарёнефтмаҳсуло-лари» шўъба унитар корхонаси директори С.Абрайкулов раҳ-барлигидаги уюшган жиноий гуруҳ томонидан 2001 йил да-вомида хўжалик юритувчи субъектларга ёниги тарқатиш жараёнида мансаб сохтакорли-га йўл қўйган ҳолда 265 млн. сўмлик ёниги маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги ҳамда талон-торожликларни яшириш мақсидида 1740,4 тон-на давлат захирасида бўлган бензинлар тарқибига дизель ёниғисини қўшилиши оқибатида бензинни сифатсиз ҳолатда кел-тириб, давлат ва истеъмолчи-лар манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилганли-ги аниқланди, шу ва бошқа ҳолатлар юзасидан 17 та жино-ят ишлари қўзғатилди.

Ушбу масалада давлатга ет-

# ҚОНУН ЯГОНА УСТУВОР КУЧ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШГА, МАМЛАКАТИМИЗГА НОҚОНУНИЙ ЙўЛЛАР БИЛАН МАҲСУЛОТ ОЛИБ КИРИШГА УРИНГАНЛАР, УМУМАН ЎЗ НАФСИНИ ТИЯ ОЛМАЙ НОПОК ЙўЛЛАР БИЛАН БОЙЛИК ОРТИРИШ КЕТИДАН ҚУВАНЛАР АҲВОЛИ ҲАҚИДА

кимдир ноқонуний равишда иш-дан четлатилган, кимнингдир иш ҳақи ўз вақтида берилмаган ёки қайсидир раҳбар томони-дан ҳақ-ҳуқуқи поймол қилин-ган. Фуқаро прокуратурага му-рожаат қилгач, дарҳол адолат-ли чора қўрилмоқда. Бу ўз на-вбатда жамиятимизда адолат-ни тиклашда, инсон ҳақ-ҳуқуқла-рини ҳурмат қилишни ўргатмоқ-да. Шу нарса қувончлики, ўтган йилги фаолиятимизда кейинги ўн йил давомида биринчи бор фуқаролардан тушадиган ариза ва шикоятлар сезиларли дара-жада камайган. Шу билан бир-галикда оғир жиноятлар содир этилиши бўйича ҳам кўрсаткич-лар камайганлиги меҳнатлари-миз бесамар кетмаётганини билдиради.

Шу ўринда ўз кузатишларим ва хулосаларимга асосланиб бир фикрни айтмоқчиман. Қа-ерда инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари қадрланса, ариза ва шикоятларга жиддий, холис қаралса, ўша ерда норозилик кам бўлади, соғлом муҳит яра-тилади. Муҳити соғлом жойда ташаббус, бунёдкорлик ривож-ланади.

Бунинг исботини Сурхондарё вилоятида сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришлар мисоли-да ҳам кўриш мумкин. Биргина Термиз шаҳрида кейинги 2-3 йилда амалга оширилган бунёд-корлик ишлари аввалги 20-30 йилда бажарилган ишлардан ортиқроқ, десак муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

Бирок, афсуски, камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Исло-хотлар йўлига тўқсинлик қила-ётган иллатлардан бири — бу айрим мансабдор шахслар то-монидан давлат мулкни ўзлаш-тириш, мансаб ваколатини су-иستهъмол қилиш ҳоллари дур.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда қилинган қарори «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

Бирок, афсуски, камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Исло-хотлар йўлига тўқсинлик қила-ётган иллатлардан бири — бу айрим мансабдор шахслар то-монидан давлат мулкни ўзлаш-тириш, мансаб ваколатини су-иستهъмол қилиш ҳоллари дур.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда қилинган қарори «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги те-мир йўли йўналиси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори ва ана шу қарор асосида бугунги кунларда ба-жарилаётган ишларни айтинг, буларнинг бари тинчлик, осой-ишталик шарофатидан деб би-ламан.

дурда давлат мулкни талон-то-рож қилиб юборишган.

Хусусан, вилоят капитал қури-лиш бош бошқармасида бюд-жет маблағларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги қонун-лар ижроси юзасидан ўтказил-ган текширишда 2001 йил да-вомида ушбу бошқарманинг мuddати ўтган 259 млн. 800 минг сўмлик дебиторлик, 466,7 млн. сўмлик кредиторлик қарз-ларини тўлаш чоралари қури-лмаганлиги, шунингдек давлат бюджет маблағларини сметада назарда тутилмаган харажат-ларга йўлаш орқали 161 ҳолат-да бюджетга жуда кўп миқдор-даги — 1 млрд. 70 млн. 500 минг сўмлик мақсадли бюджет маблағларини бошқа харажат-ларга ишлатиб, бюджет инти-зомини бузганлиги аниқланди.

Шу ва бошқа ҳолатлар юза-сидан вилоят прокуратураси то-монидан 2002 йил 4 июнда ай-бдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-мод-даси 3-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бан-длари, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 184-моддаси 3-қисми, 207-моддаси 1-қисми ва 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур жиноят иши юза-сидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши айблов хулосаси билан жиноят ишлари бўйича вилоят судига юборил-ган.

Ушбу жиноят иши ҳозир суд-да қўрилмоқда.

Жарқўрғон туманида жойлаш-ган «Бунёдкор-26» ҳиссадорлик уюшмаси бошқарув раиси К.Ир-каев ўзининг жиноий шерик-лари, яъни уюшманин бирин-чи ўринбосари К.Абдумуродов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, жамми 290 ҳолатда 13 млн. 70 минг сўмлик бюд-жет маблағлари ва қурилиш ма-териалларини сохта ҳужжатлар тайёрлаб, талон-торож қилиш-ган.

Вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятлар ва кор-ruptionга қарши курашиш бўли-ми терговчилари томонидан олиб борилган тергов жараё-нида жамми 84 миллион сўмлик давлат мулкни талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Ҳозирда ушбу жиноят иши ҳам жиноят ишлари бўйича вилоят судига қўрилмоқда.

2001 йилда пудрат савдолари-ни ташкил этиш (тендер) бўйича вилоят филиали савдо-си (тендер)дан ўтган 11 та

ўзига ишониб топширилган моддий бойликлардан 106000 сўмлик қурилиш материаллари-ни ўзлаштириш йўли билан та-лон-торож қилган.

Худди шундай Термиз шаҳар прокуратураси томонидан ша-ҳардаги «Арслон» уй-жой мулк-дорлар ширкати тегшли мута-хассислар иштирокида текши-рилганда, мазкур ширкатнинг 2003 йил 1 январь ҳолатига 3397,0 минг сўмлик қурилиш материаллари ҳисоботларда қолдиқ бўлиб қолган бўлса-да, бироқ ўтказилган санок натижа-сида ушбу сумма камомат экан-лиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан 2003 йил 25 январь куни Термиз ша-ҳар прокуратураси томонидан «Ар-слон» уй-жой мулкдорлар шир-кати раиси Б.Бўриев ва бошқа-лари нисбатан Ўзбекистон Рес-публикаси ЖКнинг 167-модда-си 3-қисми «а» банди билан жи-ноят иши қўзғатилди, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борил-моқда.

Сурхондарё нефть маҳсуло-лари корхонасида ҳам қатор қонунбузарликлар, қўзғабунчи-ликлар ва давлат мулкни ўма-риш сингари жуда хунук ҳолат-лар авж олганлиги аниқланди. Қанчадан-қанча чора-тад-бирлар қўрилгани, айбдорлар қонун олдида жазога тортила-ётгани билан барибир, «қон би-лан кирган жон билан чиқади», деганларидек, нафс йўлида виждон ҳақалок кимсалар ўз билганидан қолишмапти. Бун-дай дейишимизга асос шуки, кейинги 4-5 йил давомида ви-лоятда ана шу соҳанинг кетма-кет бир неча нафар мансабдор шахслари ва мулкий жавобгар-лигидаги кишилар устидан жи-ноий иш қўзғатилиб, қилмиш-ларига яраша қонуний жавоб-гарликка тортилганлар.

Қуйидаги айрим мисолларга эътиборингизни қаратинг: ви-лоят прокуратураси томонидан «Сурхондарёнефтмаҳсулотлари» шўъба унитар корхонасига қарашли Термиз, Шўрчи, Қумқўрғон, Сароисёв, Жарқўрғон нефть маҳсулотлари корхона-лари ва Олтинқўй филиалида тек-шириш ўтказилганда, Термиз нефть маҳсулотлари корхона-сида 112,5 млн. сўмлик 2060,7 тонна «А-72» ва «А-76» автобен-зинлари сифатсиз, яъни яроқ-сиз ҳолда жўнатилинган аниқ-ланган. Термиз нефть маҳсуло-лари корхонаси директори Ш.Но-риев ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси

қазилган 80 миллион сўмлик зар-рар айбдор шахслардан унди-рилган. 62 нафар шахсдан қи-шлоқ хўжалик корхоналарига ет-казилган зарарларни ундириш ҳақида судга даъво аризалари қилинган. Тергов натижалари-га қўра, мазкур корхона ва жой-лардаги филиалларнинг жами 123 нафар раҳбар ва масъул-лари жавобгарликка тортилган ва барчаси судга берилган.

Кишини тазжюбга солидиган, ташвишлантирадиган нарса шуки, бундай ишга қўл уради-ганлар анойи одамлар эмас. Ўзига яраша макени бор, қонун-лардан хабардор кишилар. Ахир қонунни билмайдиган, тушун-майдиган кишилар юзлаб киши-ларга бош; давлатнинг ёки жа-моанинг миллионлаб сўм тура-диган мулкига жавобгар шахс этиб йўллайди-ку. Демак, ҳамма бало — нафс ўпқонида! Масыўлятин, виждонини унутиб, шахсий бойлик орттиришга рўжу қўйганлар нега қонундан чўчимайди, жавобгарликни ўйлашмайди деган ҳақли савол туғилади. Аввало, улар ўз қил-мишлари, қаллоблиklarини ҳеч ким сезмайди ёки «сир»лари фош бўлиб қолган тақдирда «бирор йўлини топиб чиқиб ке-таман деб умид қилишади. Ле-кин жиноятга қўл урса, у ба-рибир бир кунмас бир кун фош бўлади. Бекорга халқимиз: «Қи-нғир ишнинг қийғи қирқ йил-дан сўнг ҳам чиқади» демаган. Шундай экан, ҳақиқатинг қўли узун, нигоҳи ўткир эканлиги-га, ҳамisha тўғрилик, ҳалоллик би-лан иш юритилишига киши хо-тиржам ҳаёт кечиради, толгани буоради ва баракали бўлади, деб ҳисоблайман.

Республика Вазирилар Маҳқа-масининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худ-дига товарлар олиб келиниши-ни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори ижроси бўйича ҳам муайян ишлар амал-га оширилмоқда.

Тегшли ходимлардан ибор-ат ишчи гуруҳлари тузилиб, маъмурий ҳамда жиноят ишлар-нинг қисқа мuddатларда қу-рилиши, товарларнинг ўз вақтида давлат фойдасига му-содала қилиниши ва сотишдан тушган маблағларнинг давлат бюджетига ўтказилиши устидан прокурор назорати кучайтирил-ди. Аҳоли ўртасида кенг тушу-нтириш ишлари олиб борилди.

Афсуски жисмоний ва юри-дик шахслар томонидан бож-

Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ, Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.



# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## Шўҳрат аканинг «жияни»

(ЭСДАЛИҚДАН ПАРЧА)

Адабиётга жуда масъулият билан қараганим туфайлими ёки бошқа бир сабабданми, ҳуллас, ёзганларимдан бирор-бир сатрни талабалик йилларимда чоп эттирмаганман. Чоп эттириш нари турсин, ҳатто бирор-бир тахририятнинг эшигиндан ҳам ҳатлаб ўтмаганман. Адабиёт дунёси мен учун шундай бир сирли, юксак хилқат бўлиб кўринган, унга дабдурўстандан кириб бориш учун ўзимда куч тополмаганман.

Бу орада талабалик яқун топиб, армияга ҳам кетиб қолдим...

Армияда бирор йил хизмат қилиб тавтилга келсам, курсдош дўстларим мен эшигини очиб киролмаганим — тахририятларга аллақачон ишга кириб, ўша замон таъбири билан айтганда, жавлон уриб юришибди. Бош дўстим Эркин Аъзам радионинг Адабиёт редакциясида хизмат қилаётган экан. Бир-икки кун Эркинбойнинг тахририятга келиб-кейтиб турадиган қазо-қазо адиллар ҳақидаги суҳбатларини озгим очилиб тинглаб юрдим. Айниқса, менинг шёрларимни эфирга берганини эшитиб, жуда қувондим ва радиокўнгилларга қўзим тушганда, меҳр билан қараб қўйдим. Ниҳоят...

...Мана, ниҳоят Эркинбойнинг идораси коридориде турибман. Эркинбой, дўстликда, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб роса мактаган, шекилли, барча мен билан яқин танишлардай қулиб қуришмоқда. О, қандай одамлар! Бир-биридан номи улуг! Шёрларини ёд биллаганим Омон Мухтор, Шукр Холмиров, ўзбек фантастикасига асос соламан, деб белини қирқ жойидан боғлаган Тохир Малик... Ҳаммаси менга яқин муомала қилади. Ўзига тенг қўриб гаплашади. Мен беҳад хурсандман. Эркин тавсияси билан кўпчилик бир-икки шёримни ўқиган экан. Мақташди. Бошим осмонда.

Эркин Аъзамнинг қизиқ феъли бор. Ўзига ҳуш келадиган одамни ёнидан қўймай олиб юради. Ўша пайтлар Эркинбой мени «дўстим» деб юрадиган пайтлари эмасми, етаклаб ишхонасига олиб борган-билиб борган. Кимнинг қўли ишдан бўшаса, вақтини ўтказиш учун бўлса керак, мен билан суҳбат қилади.

Бир кун тахририятда аллақандай ортиқчароқ жонланишни сездим. Шёрлар билан шуғулланадиган Абдулхай Носиров шойиб у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Шўҳрат ака келаяптилар, — деб тушунтирди Омон ака. Мен бундай катта ёзувчининг тахририятга шундайгина бемалол кириб келишини тасаввур қилолмай, бироз каловланиб қолдим. Китобларини суйиб ўқиганим Шўҳрат ака! Ичимга ҳаяжон кирганини ҳис қилдим.

Омон Мухторнинг бировга яқинлиқ қилгиси келиб турадиган одати бор экан. (Бу одати ҳали-ҳануз қолмаган.) — Дўстим, шёрларингизни Шўҳрат акага кўрсатасан-чи, — деб қолди у киши.

Баттар ҳаяжонланиб кетдим. Эркинга қарадим. — Яқши бўлади, — деди Эркин менинг ўрнимга масалани осонгина ечиб. Сўнг менга қараб қўшиб қўйди: — Яқши бўлади!..

Қачонлардир юзма-юз келишдан чўчиб ва шу сабабдан билиб-билмай бу учрашувни орқага чўзиб юрганим — катта адабиёт имтиҳони жуда яқин келганини ҳис қилдим. Мана, ҳозир Шўҳрат ака қиёфасида Адабиёт кириб келлади-да, тақдиримни бир пасда ҳал қилади...

— Шўҳрат ака ажойиб одам, — аҳволимни сезибми Омон ака далада бера бошлади. — Ёшларни яқини кўради. Дидлари бор. Кимга «оқ йўл» тиллаган бўлса, адабиётда ўз ўрнини топиб кетган. Сизнинг

шёрларингизни ҳам бир ўқиб кўрсинлар. Ажаб эмаски... Бу орада Эркин Ўзига хос ортиқча саришталик билан, ҳафсалани ўрнига қўйиб, шёрларимни янги папкага жойлади. Бундай ишларни менга ишонмагани туфайли, папкага исму шарифимни ҳам ўз қўли билан ёзди.

Шўҳрат акани кутиб олгани коридорга чиқдик. — Ана, келдилар!.. Мен «ял» этиб қарадим. Зинадан гайрату шижоатга тўлган юришда Шўҳрат ака чиқиб келаяптилар. Юзу қўзлари тўла табассум. Бу табассумдан тегралари ёришиб келаятгандай. Бирдан у кишидан таралган ёруғлик менга ҳам ўтганини сездим-да, лаҳзада енгил тортидим.

Радиочиларни соғинтириб қўймайин, деб келаятган, — Шўҳрат ака ярашиқли шўх қулиб, ҳамма билан қуоқ қўриша бошлади. Менга ҳам қўл чўзилар. Омон ака пайсалга солмасдан, реклама-таништирув маросимини бошлаб юбордилар: — Бу укамиз Эркинжоннинг дўсти...

Омон ака Германияда ҳарбий хизматни ўтаётганини, офицер эканини, шёрлар ёзишини, Бойсунда туғилганини — яна бир қанча... мактовли ахборотларни айтиб Шўҳрат акага мени таништирдилар.

— Шўҳратнинг Бойсунданми? — дедилар қувноқ қайди. — У киши, — Бойсундан бўлса, дуруст... Мен ичимда Бойсунга раҳматлар айтиб турибман денг. — Офицер!.. У киши негадир мени ўзларига яқин олиб, елкамга қўл ташлаганча, ним қучоқлаб қўйдилар. Мен дарҳол тушундим. Шўҳрат ака ҳам офицер бўлганлар. Уруш йилларида

капитан унвонида хизмат қилганлар. Демак, ўртамизда-да қандайдир бир тақдирдошлик бор.

Омон ака ўз ўрнида асосий мақсадга кўчди. — Шу укамизнинг шёрларини радиодан бердик. Бизга маъқул бўлди, Шўҳрат ака... Сиз ҳам ўқиб берасизми, деб...

Шўҳрат ака бирдан жиддий тортиди. — Шёрлар қани? — деди у киши, — шёрлар қани?..

Эркин дарҳол папкани у кишининг қўлига тутқазди. Шўҳрат ака папканинг бетига кўз югуртирди.

Нафасим ичимга тушиб, қараб турибман. Негадир дунёга сукунат чўккандай. Ҳатто папка бетига ёзилган исмида ҳам қандайдир даҳшатли хатолар бордай туюлди менга. Терлаб кетдим.

— Шёрларни яқши... — деди Омон ака менга бир қараб олиб.

— Яқши бўлса, бахти-да, — деди ҳамон папкадан кўз узмасдан Шўҳрат ака. Сўнг менга кўз ташлади. У кишининг қўзларига энди аллатовур гусса соя ташлаган эди.

— Усмон... — деди у киши ўйлаб, — Усмон Носир эсимга тушиб кетди... Олов йигит эди.

Суҳбат бошланиб кетди. Шўҳрат аканинг гурунглари! У кишининг ўтмиш ҳақидаги ҳар бир гурунги жуда жонли, ҳаммани ўзига тортадиган қизиқарли бир ҳикоя эди. Бир замонлар кечган воқеаларни айрича бир завқ билан ҳикоя қилар эдиларки, эшитган одам баайни китоб ўқиб чиққан каби лаззат олар эди.

Урадан кўп ўтмай хизматни давом эттиргани жўнаб кетдим. Ўша ерда шёрларим Шўҳрат акага маъқул келганини эшитдим. Орадан олти ойча ўтиб, «Шарқ юлдузининг» бир варағи солинган конверт олдим. Унда битта шёрим

ралла гапирвермасди. Аммо Шўҳрат ака ҳеч нарса билмагандай, бемалол шoir ҳақида тўлиб-тошиб сўзларди...

Усмон Носир ҳақида шавқ билан гапирар эканлар, у киши истеъдодли одамларни ва чин адабиётни нақадар ёниб севишларини ҳис қилдим. Шўҳрат аканинг бу фазилати баъзан бошига оғир савдолар солганини ҳам билмадим...

Шўҳрат ака суҳбатга яқун ясаб, шёрларим солинган папкани қўлга олиб олди.

— Уйга бориб ўқийман, офицер, — дедилар ва менинг ичимдан нималар ўтаётганини сезгандай қўшиб қўйдилар: — Отинг яқши экан! Усмонлар ёмон ёзмаса керак, а?

Юзларига яна ярашиқли табассум югурди.


— Шёрларни яқши, — деди Омон ака матонат билан ҳамон менинг тарафимни қўлар экан.

— Ўқийлик-чи, — деди Шўҳрат ака, — Яқши бўлса, ўзининг бахти. Ҳаммаизнинг бахтимиз... Адабиётнинг бахти...

Мен бундай «бахт» бўлиш масъулиятдан ҳайиқиб, қизариндим.

Шўҳрат ака биз билан хайрлашиб, соатига безовталаниб қараётган Абдулхай билан овоз ёзиш студиясига чиқиб кетдилар. Ҳамма негадир кўтаринки руҳда «яқши иш бўлганини» менга ўқтира бошлади. Мен ҳам ҳозир ҳаётимда бурилиш нуқтаси бўлганини қандайдир бир тарзда ҳис қилиб турадим...

Орадан кўп ўтмай хизматни давом эттиргани жўнаб кетдим. Ўша ерда шёрларим Шўҳрат акага маъқул келганини эшитдим. Орадан олти ойча ўтиб, «Шарқ юлдузининг» бир варағи солинган конверт олдим. Унда битта шёрим



### ФУТБОЛ

## Пешқадамлар куч синашади

Ўзбекистон XII миллий чемпионати олий лига жамоалари ҳозиргача олтидан учрашув ўтказишган. Шу кунгача ўтган ўйинлар якунига кўра, чемпионат жадвалида бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган «Нефтчи» (Фаргона) ва «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари карвонбоши бўлиб турибди.

Эртага миллий чемпионатимизда еттинчи тур баҳслари ўтказилади. Турнинг марказий учрашувларидан бири Наманганда ўтиши кутилмоқда. «Пахтакор» жамоаси мавсумнинг совринли ўринларидан бирига даъвогарлик қилаётган «Навбахор» меҳмони бўлади. Фарғонада эса жадвалининг учинчи поғонасида бораётган Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси «Нефтчи» билан куч синашади.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги жамоалар яшил майдонга чиқадилар: «Насаф» — «Металлург», «Бухоро» — «Қизилкум», «Андижон» — «Гулистон», «Қўқон-1912» — «Машъал», «Трактор» — «Сурхон», «Самарқанд-Д» — «Цементчи».

Айсара Абдужалилова



### БОЛАЛАР СПОРТИ

## Издошлар кўпаймоқда

— Камондан отиш спорт тури олимпия ўйинлари дастуридан жой олган, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Гулнора Орипова. — Сўнгги йилларда спортнинг мазкур турини янада ривожлантириш борасида журтимизда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Яқин-яқингача камондан отиш бўйича санокли мусобақалар ўтказиларди. Бугун эса спортда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бера бошлади. Қувонарлиси, эндиликда камондан отиш турига ёшлар ўртасида иштиёқмандлар сафи кенгаймоқда.

Кўни кеча Фарғонада ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги ҳам бунинг тасдиғидир. Мусобақада Тошкент шаҳри ва Фарғона, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан саксон нафардан ортиқ спортчи голиблик учун кураш олиб боришди.

1986-1988 йилларда туғилган ўсмирлар баҳсида... Илҳом Очилов (Бухоро) энг кўп очко жамғариб, бош совринни қўлга киритди. Фарғоналик Родион Гайнулин ҳамда Виктор Бобинлар кейинги фахрли ўринлардан жой олишди. Қизлар ўртасидаги мусобақада кучли ўқлик Мунира Нурмонова (Самарқанд), Диана Алимова, Дилдора Расулова (иқкаласи Тошкентдан)ларга насиб этди.


1989-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида пойтахт жамоаси шарафини ҳимоя қилган Фафур Йўлдошевга тенг келадигани топилмади. Арсен Алавердян (Самарқанд) ҳамда Владимир Борисов (Тошкент)лар шохсупанинг иккинчи ва учинчи поғонасидан жой олди. Шу ёш гуруҳидаги қизлар баҳсида эса шохсупага яна тошкентликлар кўтарилишди — Дилдора Расулова, Кристина Михина, Екатерина Хранкова.

— Ўзим асли Сурхондарё вилоятининг Узун туманиданман, — дейди биринчилик голиби, икки қарра Ўзбекистон чемпиони Фафур Йўлдошев. — Икки йилдан бери ёйандозлик билан шуғулланаман. Ҳозирда Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари коллежиде таҳсил оляпман. Тошкентлик моҳир спортчи Элдор Сайфуллинга ҳавасим келади. У йигирма беш қарра Ўзбекистон чемпиони, Осиёдаги танқили ёйандозлардан бири ҳисобланади. Ўзим эса келажакда жаҳон ва олимпия чемпиони бўлмоқчиман.

Эркин ХОЛБОБО

### ТАФСИЛОТ

## Ироққа доир воқеалар



НОВОСТИ агентлиги эса нефть захираси бўйича иккинчи ўринда турадиган Ироққа бугун бензин муаммоси юз бермоқда, дея ёзади. Автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчаларининг кўпи ишламайди. Негаки, талончилар томонидан усқуналари ўғирлаб кетилган ва яроқсиз ҳолда. Ишлайётганлари эса кам. Шунинг учун Бағдоддаги шахобчаларда эрта тонгданок узундан-узоқ машиналар ва қўллариде фляга кўтарган одамлар навбати пайдо бўлмоқда.

THE WASHINGTON TIMES хабар беришича, АҚШ маъмурияти Саддам Хусайн тузуми ағдарилганлиги муносабати билан Галаба паради ўтказмайдми, балки зафар байрами уюштиришга қарор қилди.

Гап шундаки, Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг Америка маъмуриятига мувожаат этиб, Галаба паради ўтказиш таклифи билан чиққан эди. Худди шундай парадлар биринчи ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳамда 1991 йилги Форс кўрғазидеги «Саҳродаги бўрон» ҳарбий операциясидан кейин ўтказилган эди.

Лекин АҚШ маъмурияти шаҳар мэрининг таклифини қўллаб-қувватлагани ҳолда, бугунги кунда дунёда ҳукмрон голяларни инобатга олиб, ўтказиш таклифи қилинаётган Галаба парадининг мазмун-моҳирлигини ўзгартириш лозимлигини таъкидлади.

Шов-шувли парад ўтказиш ўрнига Америка ҳарбий кучларининг хизматини тан олиш ва халқ миннатдорчилигини намойиш этадиган байрам ўтказиши маъқул кўрди. Шунинг учун Пентагон Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда тантанали тадбирлар уюштиришга тайёргарлик кўрадиган махсус гуруҳ тузишни режалашмоқда.

### Эркин савдога ўтилади

АҚШ Президенти Жорж Буш яқин кунларда Австралия билан эркин савдо ҳудудини яратиш борасида келишиб олишга умид билдирмоқда. Бу ҳақда Оқ уй раҳбари Австралия бош вазири Жон Говард иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида баёнот берди.

Авалроқ бу борада Австралия бош вазири ўз таклифи билан мувожаат этган эди. Бироқ яқини хулосага келинмагани боис, ўзаро битимлар имзоланмаганди.

Бушнинг айтишича, шу йил охиригача мазкур масала юзасидан аниқ бир қарорга келинади ва 2004 йил эса келишув лойиҳаси Конгресс муҳокамасига қўйилади, дея ўз ахборотини яқунлайди Reuters агентлиги.

### Ташриф қолдирилди

Дунё бўйича тарқалётган зотилкамга ўхшаш касаллик боис Тайбей президенти Чен Шуйбан Марказий Америкага қўладиган ташрифини қолдиришга мажбур бўлди. «Асосий вазирамиз кенг тарқалётган вирусга қарши курашишди. Ҳозир хорихга ташрифлар пайти эмас» деди у. Ташриф қачон амалга ошиши эса ҳозирча номаълум.



Австрия. Вена шаҳри кўриниши



### Тинчлик битими имзоланди

Маълумки, қако ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринда турадиган Кот-д'Ивуарда ўтган йил сентябрда фуқаролар уруши аланга олган эди. Уруш натижасида мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди. Reuters агентлиги хабарига

кўра, яқинда ҳукумат армияси генерали Матас Дою билан кўзгўлончилар кўмондони Мишел Гие ўртасида ўзаро низо-ларга ва қуроли тўқнашувларга барҳам бериш борасида тинчлик битими имзоланди. Кот-д'Ивуардаги 4 минг ки-

шилиқ француз ҳарбий контингенти кўмондони Эммануэл Бетинг айтишича, яқин кунларда мамлакат гарбига Франциядан тахминан 900 кишилиқ тинчлик контингенти келади. Улар битимнинг амалдаги ижросини назорат қиладилар.

### Узоқ Шарқда яна ёнғин



Узоқ Шарқнинг жанубий ҳудудларида яна ёнғин авж олмақда. Бугунги кунда 113 та ёнғин ўчоги мавжуд бўлиб, 7620 гектари ўрмонда, 16788 гектари эса ўрмонсиз ҳудудлардадир. «Новости» агентлиги ахборотида айтилишича, Хабаровск ўлкасида — 57 та, Амур вилоятида — 32 та, Приморье ўлкаси ва Яқини автоном вилоятида эса 12 та ёнғин ўчоги ўрмон муҳофазаси бўйича Узоқ Шарқ авиация базаси томонидан қайд этилган. Уларни ўчиришда 1398 нафар одам, 26 та самолёт ва вертолёт, 245 та техника қатнашмоқда.

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

**2003 йил 6, 13, 20, 27 июнь кунлари танлов савдоларини ўтказилади:**

Савдога «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-ўй мавзесида жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 16 571 620 сўм ёки 23 831 АҚШ доллари.**

**Танлов шартлари:**

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармомоялар ҳажми.

**Мурежаат учун манзила: Тошкент шаҳар, Шайхонтоқур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлари: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

Республика Кўчмас мулк биржаси бошқаруви ва жамоаси бирининг Ишлар бошқармаси бошлиғи Рустамхўжаев Оқилқўжа Мансуровичга волидаи муҳтарамаси

**ҲАКИМАХОН** янинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.



# «ЎЗДЭУавто» компанияси «Асака» банки билан биргаликда

1 авеустгача автомобилларни КРЕДИТГА сотишни бошлади.

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.



Автомобиллар сизларни  
расмий дилерларнинг  
салонларида кутмоқда

Шошилинг!

АВТОМОБИЛЛАР ҲАҚИДАГИ ЎЗ ОРЗУИНГИЗНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига «ЎЗДЭУавто» ЁТАЖда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олишлари учун кредит бериш тартиби:

1. Ушбу тартиб «Асака» банки муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига «ЎЗДЭУавто» ЁТАЖда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олишлари учун кредит бериш асосларини белгилайди.

2. Автомобилларни сотиб олиш учун кредитлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига истиқомат жойларидаги «Асака» банкнинг минтақавий филиали томонидан икки йил муддатта кредит шартномаси асосида, муддатни узайтириш ҳуқуқсиз кредит учун йиллик 20% миқдоридagi фоиз ставкасини ундириш ва кредитни тенг ҳар ойлик тўловлар билан қоплаш шартларида берилди. Кредит автомобиль қийматининг 40% дан ошмаган миқдорда берилди. Кредитлашнинг мажбурий шarti қарз олувчининг кредитни сўндирмаган (ўз вақтида сўндирмаган) ҳолларда ундириш имкониятини кафолатловчи ликвид таъминоти мавжудлиги ҳисобланади. Кредитни таъминлашни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш қарз олувчи ҳисобига амалга оширилади.

#### «Асака» банки муассасаларида «Автоомонат» ҳисобини юритиш

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароси яшаётган жойидаги «Асака» банкнинг минтақавий филиалида «Автоомонат» ҳисобини очади, унга автомобиль қийматининг камида 60% миқдорда омонатни қўяди. Омонат бир йўла тўлов билан ёки зарур маблағни ҳисобда тўлаб бориш йўли билан киритилиши мумкин. Омонат омонатчининг нақд маблағларини қўйиш ёки омонатларнинг бошқа турларидан пул ўтказиш ҳисобига шаклланади. Омонат буйича фоизлар агар омонат ҳисобда бир ойдан ошмиқ муддат турса, йиллик 10% ставкаси буйича ҳисобланади, агар омонат муддати бир ойгача бўлса, «Автоомонат» омонати буйича фоизлар ҳисобланмайди. Кредит олгунга қалар давр учун ҳисобланган фоизлар (агар бу давр бир календар ойидан ошса) «Автоомонат» маблағига қўшилади.

4. Харид қилинадиган автомобиль қийматининг камида 60% миқдорда маблағни қўйган «Автоомонат»чи эгаси автомобиль қиймати ва «Автоомонат» маблағи ўртасида фарқ қилувчи маблағни кредитга олишга ҳаққидир.

5. Омонатчи ҳисобланган фоизларни олган ҳолда «Автоомонат» ҳисобини ёпишга ҳаққидир. Ҳисобдан маблағларни қисман беришга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси доирасида яшаш жойи ўзгарган чоғда омонатчи «Автоомонат» ҳисобини янги истиқомат жойидаги «Асака» банкнинг ҳудудий бўлимига мажбурий ўтказилган ҳолда сақлашга ҳаққидир. Омонатни қўчириш белгиланган шаклдаги ариза асосида янги яшаш жойидаги «Асака» банкнинг ҳудудий бўлимига паспорт тақдим этилган ҳолда расмийлаштирилади.

6. Омонатчи вафот этган тақдирда «Автоомонат» ҳисоби буйича ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган меросхўрга қайта расмийлаштирилиши мумкин ёки омонат маблағи меросхўрларга (резидентлар ва нerezидентларга) тўланиши мумкин. Бунда омонат меросхўри белгиланган шаклдаги меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатиши лозим.

#### Автомобилни харид этиш учун кредит бериш

7. Кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:  
— кредит олиш учун ариза;

— паспорт доимий прописка ҳақидаги белги билан (ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматчи гувоҳномаси);

— иш жойидан охириги йилдаги иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома ёки даромаднинг бирон турини тасдиқловчи ҳужжат;

— яшаш жойидан маълумотнома;

— «Асака» банкда хизмат кўрсатилаётган «ЎЗДЭУавто» ЁТАЖ дилери бўлган корхонанинг олди-сотди шартномаси (ҳисоб-шартнома).

8. Юқорида санаб кўрсатилган барча ҳужжатлар мавжуд бўлганида «Асака» банк филиали қарз олувчи билан кредит шартномасини тузади. Кредит шартномаси икки нусхада тузилади, улардан бири қарз олувчига берилди.

Кредит шартномасида қуйидаги мажбурий шартлар кўрсатилади:

— кредит маблағи;  
— кредит муддати ва кредитни сўндириш графиги;  
— кредит учун фоиз ставкаси ва фоизларни тўлаш даврийлиги;  
— томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жазо чоралари.

9. Кредит шартномаси мўлжалланаётган кредитни таъминлаш расмийлаштирилганидан сўнг кучга кириди. Кредитни таъминлаш учун қуйида келтирилган турлардан исталган биттаси бўлиши мумкин:

а) ликвидли кўчмас мулк гарови шартномаси;  
б) тегишли лицензия ва тўловга қобилиятли компания обрўсига эга бўлган суғурта компанияси билан тузилган кредитни сўндира олмаслик таваккалчилигини суғурталаш шартномаси;  
в) қарз олувчининг мажбуриятларини сўндириш буйича тўловга қобилиятли юридик шахннинг кафолати;  
д) харид этилаётган автомобилнинг гаров шартномаси. Ҳамма ҳолда ҳам таъминлаш маблағи кредит маблағи ва у буйича фоизларни қоплаши лозим.

10. Таъминлаш расмийлаштирилгандан ва кредит шартномаси кучга киргандан сўнг автомобиль қийматидаги маблағлар банк томонидан 3 операция куни мобайнида автомобиль сотувчи-дилер ҳисобига ўтказилади, бунда «Автоомонат» ҳисоби ёпилади.

11. Кредит бериш буйича операция 13701-алоҳида ссуда ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик унга кредитни қоплаш учун тушаётган маблағлар ўтказилади.

#### Ссуда буйича гаровга харид этиладиган автотранспорт воситасини расмийлаштириш тартиби

12. Қарз олувчининг олинган кредитни сўндириш мажбуриятини таъминлашда автомобилни бериши автомобиль гарови ҳисобланади.

13. Гаровга кўра, банк қарз-олувчининг кредит ва кредит учун фоизлар буйича қарздорликни муддатида сўндирмаган ҳолларда қарздорликни гаров қийматидан ёки қўйилган мулкни йўқотганлик ёки шикастланганлик учун суғурта тўловидан ундириш ҳуқуқига эга.

14. Банк қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Гаров тўғрисида»ги Қонунига

мувофиқ кредит маблағлари ҳисобига оладиган автомобиллар гаровга олиниши мумкин.

15. Автомобиллар гарови остидаги кредитни расмийлаштириш чоғида банк қарз олувчи билан ёзма гаров шартномасини тузади, у нотариал тасдиқланиши ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талаблари ҳамда «Ўзбекистон Республикасида автомобиль воситаларини рўйхатга олиш, қайта рўйхатга олиш, уларни ҳисобга олиш, миллий давлат номер белгиларини бериш ва алмаштириш қондалари»га (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли қарорига биринчи илова) мувофиқ давлат автоинспекция идораларида рўйхатга олиниши керак.

16. Гаров шартномасида гаров предмети ва унинг баҳаси, гаровни таъминлайдиган мажбуриятлар моҳияти, ўлчами ва бажариш муддати шунингдек, томонлардан қай бирида гаровга қўйилган мулк турганлиги кўрсатилиши лозим.

17. Гаров шартномасини расмийлаштириш учун қарз олувчи томонидан банкка 2000 йил 5 майдаги 8-сонли «Асака» банки тизими буйича гаровга қўйиладиган мулкни танлаш ва баҳолаш тартиби»да белгиланган рўйхатга мувофиқ барча зарур ҳужжатлар тақдим этилади.

18. Гаровга қўйиладиган мулк (автомобиль) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қарз олувчининг маблағлари ҳисобига суғурта идораларида банк фойдасига барча таваккалчиликлардан, шу жумладан, қарз олувчининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, шунингдек, қўйиладиган мулкнинг тасодифий шикастланиши ёки ҳалокати, қарз олувчининг мулкка ёки унинг шахннинг саломатлигига келтирилган зиён учун фуқаролик жавобгарлиги, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси буйича мажбуриятларини тўла бажарганига қадар муддатта суғурталаниши лозим.

19. Қўйилган мулкни суғурталаш шартномасида кўрсатилган суғурта суммаси банк баҳосида гаровга қабул қилинадиган автомобиль қийматидан кам бўлмашлиги лозим.

20. Суғурта тўловини бериладиган кредит ҳисобига тўлаш тақиқланади.

#### Автомобилни харид этиш учун кредитни сўндириш тартиби

21. Кредит учун асосий қарзни ва фоизларни сўндириш буйича тўловлар қарз олувчи томонидан ҳар ойда кредит берилган санадан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилиши лозим. Қарз олувчи кредитни бир вақтнинг ўзида кредитдан фойдаланган амалдаги даврда ҳисобланган фоизларни тўлаган ҳолда муддатидан илгари сўндириши мумкин.

22. Кредитни сўндириш ва кредит учун фоизларни тўлаш қарз олувчи томонидан нақд пуллар, алоқа бўлимлари, банклар орқали иш ҳақи ёки бошқа даромадлардан ушлаб қолниш йўли билан, нақдсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси доирасида бошқа яшаш жойига кўчган ҳолларда кредит янги яшаш жойи буйича «Асака» банкнинг минтақавий филиалига ўтказилиши лозим. Қарз олувчи Ўзбекистон Республикасининг ташқарига чиқиб кетганида кредит ҳисобланган фоизларни тўлаган ҳолда тўла сўндирилиши лозим.

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV  
Abdulhafiz JALOLOV  
Azimjon AYUPOV  
Aziz NOSIROV  
Ashur QODIROV  
Bobir ALIMOV  
Norbob SHAKAROV

(Bosh muharrir  
birinchi o'rinbosari)  
Alimqul SULTONOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey ORLOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari  
«Golos Uzbekistana»)  
Nomoz SA'DULLAYEV  
Rahima HAKIMOVA  
To'lepbergen  
QAIPIBERGENOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI MARKAZIY  
KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va  
xalqaro hayot

133-44-55

Ma'naviyat va ma'rifat

133-69-45

Ijtimoiy hayot va  
iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-57-20

Axborot, sport va  
harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va  
ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Kotibiyat

133-72-83

Reklama va e'lonlar

133-38-55, 133-47-80,  
133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT  
MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-16-16

Buxoroda —

222-10-92

Gulistonda —

25-03-80

Jizzaxda —

5-49-85

Navoiyda —

3-39-20

Namanganda —

6-43-43

Nukusda —

222-70-12

Samarqandda —

35-20-54

Urganchda —

226-51-35

Farg'onada —

26-43-62

Termizda —

3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi  
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston  
ovozi»ning kompyuter  
markazida terildi va  
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar  
Ikromjon ISMOILOV  
Ilyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aktyadorlik kompaniyasi  
boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston  
Respublikasi Davlat  
Matbuot O'qimtasida  
00004-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi»  
materiallarini ko'chirib  
boshish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.

Topshirildi — 00.15.

1 2 3 4 5 6

SOTIUVDA ERKIN NARXDA